



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ ТУРАР ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Касимова Гуляр Ахматовна,

Тошкент молия институти "Бюджет ҳисоби ва газначилик иши" кафедраси
профессори, иқтисод фанлари номзоди

Тошкент, Ўзбекистон. Email: kasimovagulyora1960@gmail.ru

ORCID: 0000-0002-9997-6104

FOREIGN EXPERIENCES OF PROVIDING ACCOMMODATION FOR STUDENTS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

Kasimova Gulyar Axmatovna,

professor of the department "Budget accounting and treasury work" in Tashkent Institute of
Finance

Tashkent, Uzbekistan Email: kasimovagulyora1960@gmail.ru

ORCID: 0000-0002-9997-6104

JEL Classification: I21,I22

Аннотация. Мақолада давлат олий таълим муассасаларини молиялаштириш ҳамда олий таълим тизимида талабаларни турар жой билан таъминлаш тўғрисидаги назарий ёндашувлар тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларида ўқиётган талабаларни турар жой билан таъминлаш ва талабаларга яшаши учун шарт-шароитлар яратишнинг зарурияти ҳамда ташиқлий-ҳуқуқий асослари кўрсатилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий таълимга қаратилган эътибор, кадрларни танлаш соҳаларидаги ислохотлар, эртанги кунга бўлган ишонч руҳи олий таълимга бўлган қизиқишни янада кучайтирмоқда. Бу эса республикада ёшларнинг олий таълим билан қамровнинг ошиб бориши билан ҳамоҳанг кечмоқда. Олий таълимга талабалар қамровининг ошиши натижасида талабалар турар-жойига бўлган эҳтиёжнинг ҳам ошишига олиб келади. Олий ўқув юрти талабалари ўқув йили бошланиши билан уларни қийнайдиغان асосий муаммо турар жой

масаласи эканлигини таъкидлашади. Мамлакатимизда талабаларнинг тўрт йил мобайнида қай тартибда таҳсил олиши, яшаб кун кечирishi, овқатланиши масаласи эса ҳали ҳамон тўлақонли ижобий ҳал этилмаган, талабаларни турар жойлар билан таъминлашда оғриқли муаммолар эса бисёр. Отаналар кўпроқ фарзандини талабалар турар жойида яшашини хоҳлайдилар, чунки талабалар турар жойи арзон ва хавфсиз ҳисобланади. Мақолада давлат олий таълим муассасаларида ўқиётган талабаларни ижтимоий ҳимоялаш ва талабаларни турар жой билан таъминлаш зарурияти, олий таълим муассасалари талабалари учун арзон ва сифатли овқатланишни ташиқ этиш жараёни ўрганилган. Олий ўқув юртлари харажатларини молиялаштириш, олий таълим тизимида ДХШ амалиётидан фойдаланиш тўғрисидаги назарий ёндашувлар тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини молиялаштириш, талабалар учун турар жойларини қуриш ҳамда ДХШ асосида олий таълим



муассаларида ўқиётган талабаларнинг таълим олиш шароитини яхшилаш масалалари ёритилган. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг турар жойга бўлган заруриятни муҳим ижтимоий масала сифатида илмий исботлашга ҳаракат қилинган, мавзуга оид хорижий тажрибалар ўрганилган ҳамда иқтисодчи-олимларнинг тадқиқот ишларидан ҳаволалар келтирилган.

Abstract. *The article examines theoretical approaches to the financing of public higher education institutions and the provision of housing for students in the higher education system. The need to provide housing for students studying in higher education institutions in the Republic of Uzbekistan and create living conditions for students, as well as the organizational and legal foundations are indicated. Today, in Uzbekistan, attention to modern education, reforms in the field of personnel selection, confidence in the future are increasing the interest in higher education. This coincides with the increase in coverage of youth with higher education in the republic. As student enrollment increases in higher education, the need for student housing also increases. Students of the higher education institution note that the main problem that torments them with the beginning of the academic year is the issue of accommodation. In our country, the issue of how to study, live, and eat for students during four years has not yet been fully resolved positively, and there are many painful problems in providing students with accommodation. More parents want their child to live in student accommodation because student accommodation is cheap and safe. The article examines the need for social protection of students studying in state institutions of higher education and the*

need to provide students with accommodation, the process of organizing affordable and high-quality meals for students of higher education institutions. Theoretical approaches to the financing of the costs of higher educational institutions, the use of PPP practice in the higher education system have been researched. The issues of financing in the Republic of Uzbekistan, building accommodation for students and improving the educational conditions of students studying in higher education institutions on the basis of PPP are highlighted. An attempt was made to scientifically prove the need for housing for students in higher education institutions as an important social issue, foreign experiences related to the topic were studied, and references from the research works of economists-scientists were given.

Калит сўзлар: *Давлат-хусусий шериклик, Давлат бюджети, ижтимоий соҳа, олий таълим тизими, олий ўқув юр்தларининг харажатлари, талабалар турар жойи, ижара тўлови, бюджет ташкилоти, субсидия.*

Key words: *Public-private partnership, State budget, social sphere, higher education system, university expenses, student hostel, rent, budgetary organization, subsidy.*

Кириш. Таълим ва тарбия узлуксиз жараён бўлиб, таълимга янги самарали механизмларни жорий этиш, ҳаёт билан ҳамоҳанг яшаш давр талабидир. Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон шароитида таълим жараёнига олий таълим муассасаларидан олинган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштириш



мақсадида рақамли университет лойиҳаси доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқаришнинг ахборот тизими” (*HEMIS — Higher Education Management Information Systems*) ишлаб чиқилди. 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб барча давлат олий таълим муассасаларида талабалар ўқув варақаси, рейтинг дафтарчаси, академик маълумотнома, дарс жадвали, даволат ва ўзлаштиришга оид маълумотлар, тўлов-контракт шартномалари рақамлаштирилди.

“Юртимиздаги олий таълим соҳасида амалга оширилаётган инкилобий ислохотлар натижасида тизимнинг барча босқичлари, хусусан, қабул, дарслар сифати, назорат, амалиёт, ўқишни кўчириш ва бошқа барча жараёнларда инсон омили камайтирилиб, тизимда адолат ўрнатилди. Шунингдек, олий таълим муассасалари сонининг 199 тадан ортгани, қабул квотаси аввалги 9,0 фоиздан қарийб 40,0 фоизгача ошгани, соҳада нодавлат секторининг ривожланиши, рақобат муҳитининг шаклланаётгани фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади” [12].

“Индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик берилди. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этилди, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга

йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилди” [2].

Олий ўқув юртлирида мураббийлик институти ўрнига хориж тажрибасида қўлланилаётган тьюторлик институти жорий қилинди. “Республикамизда 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб талабалар билан ишлаш бўйича «гуруҳ мураббийи» институти бекор қилинди ҳамда давлат олий таълим муассасалари 1-3-курс талабаларининг маънавий ва ижтимоий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб борувчи, мавжуд муаммоларни бартараф этишда яқиндан ёрдам кўрсатувчи тьюторларни бириктириш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳар 120-150 нафар талабага 1 та штат бирлиги ҳисобида «Тьютор» лавозими киритилди ҳамда унинг ойлик маоши «Ўқитувчи-стажёр» базавий лавозим маошига тенглаштирилди. Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази тузилмасида амалдаги штатлар доирасида учта штат бирлигидан иборат Тьюторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими ташкил этилди” [3].

Талабалар мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд энг ёш, ғайратли, келгусида асосий ишчи кучини ташкил қилувчи қатлами ҳисобланади. Уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар қандай давлат учун бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш, барқарорликни таъминлаш зарур. Кўриниб турибдики, бугунги кунда масаланинг оғриқли томони - бу талабаларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжи масаласидир.

Таълим муассасасида таълим олувчилар меъерий-ҳукукий ҳужжатларга мувофиқ стипендия, ётоқхонада жой ва имтиёзлар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги 637-сон Қонунига мувофиқ, "қундузги таълим шаклидаги таълим ташкилотида таълим олувчиларга, шунингдек сиртки таълим шаклида якуний ва оралик аттестация даврида вақтинча яшаш жойлари, улар мавжуд бўлган тақдирда берилади, таълим олувчиларга вақтинча яшаш жойлари таълим ташкилоти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ берилади" [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш Мирзиёев таъкидлаганларидек, "...Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечирishi, оиласини тебратиши унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз. ...Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда ёшлар, депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман" [5]. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, олий таълим тизими ва фарзандларимизга берилаётган тарбия билан чамбарчас боғлиқ.

Материал ва метод. Хорижий иқтисодчилар А.Мингат ва Ж.Тан тадқиқот ишларининг илмий ҳулосаларида таълим тизимида бюджет

ҳаражатларнинг ҳажми мамлакатнинг ривожланганлик даражаси билан пропорционал ҳолда бўлишини кўрсатиб ўтишган. Жумладан, "кам даромадли мамлакатлар бошланғич таълимни кўпроқ молиялаштирса, ўрта даромадли мамлакатлар ўрта махсус таълим тизимини ва юқори ривожланган мамлакатлар олий таълимнинг молиявий механизмларига кўпроқ эътибор қаратишади" [7]. "Давлат бюджетининг олий таълим ҳаражатларини қоплаб беришдаги улуши ЯИМ нисбатан юқори бўлиши ёки барқарор бўлиши асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Масалан, айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМга нисбатан 2-3 фоиз атрофидаги давлат бюджети ҳаражатларининг катта миқдори аҳолини олий таълим билан қамраб олиш даражасини юқорилигини кўрсатиб беради" [8].

Академик С.С. Ғуломов таъкидлашича, "ривожланаётган мамлакатларда олий маълумот олганларнинг сони иш билан бандларнинг 3,0 фоизига, саноати ривожланиш босқичида бўлган давлатлар аҳолисининг 20,0 фоизини ташкил этиб, инновацион иқтисодиётда эса ушбу рақам 60,0 фоизга тенг бўлмоқда. Эътиборли жиҳати билимларга асосланган иқтисодиётда банд аҳолининг 80,0 фоизи олий маълумотга эга ҳисобланади" [10]. Ушбу рақамлар эса, олий таълим соҳасига эътибор қаратиш нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигини акс эттиради.

Тадқиқотчи М.М. Ташходжаев фикрига кўра, "олий таълимнинг бошланғич ва ўрта таълим тизимидан фарқли жиҳати унинг бозор иқтисодиёти қонунларига бўйсиниб ишлай олиш имконига эга эканлигидир. Унда ўзаро

рақобат ва нарх омилининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги тизимда молиявий менежментнинг зарурий категория сифатида вужудга келишини асослайди. Бунда хусусий молиявий манбаларнинг ролини ошириш ва давлат олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигини тўлиқ таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Олий таълим тизимини молиялаштириш нафақат инсон капиталини ривожлантириш, балки мамлакатни узок истиқболда геосиёсий майдондаги обрўйини мутаҳкамлашга хизмат қилувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади. Олий таълим тизимида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумдавлат миқёсидаги тадбирларни молиялаштиришни сақлаб қолиш лозим. Буларга, талабалар учун турар жойларни қуриш, даромади кам бўлган аҳоли қатламини қамраб олиш харажатлари, давлат муассасалари учун мақсадли тарзда мутахассислар тайёрлашни молиялаштиришни киритиш мумкин”. [8].

Ж.Р. Тохиров тадқиқотчи М.М. Ташходжаевнинг фикрига қўшилган ҳолда қуйидагиларни таъкидлайди: “шу туфайли бугунги кунда олий таълим соҳасини жадал ривожлантириш ҳаётий заруратга айланган бир паллада, бунга эришиш учун ДХШ имкониятларидан ҳам фойдаланиш ва уни олий таълим тизимига мослаштириш масаласи ҳам ўта долзарб муаммолардан биридир” [9]. “Олий таълим тизимида бозор муносабатларининг ривожланиши асримизга хос бўлган тенденция сифатида акс этмоқда. Бу эса, олий таълим хизматлари бозорида молиявий манбаларнинг давлат ва хусусий сектор ўртасидаги тақсимотининг олтин

нуқтасини топиш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади” [13].

Иқтисодчилар С.Э Элмирзаев, Н.Ш Шавкатовларнинг фикрича, “Давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) – жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга ва ривожланиши суст бўлган тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлат ёки маҳаллий ҳокимияти ва хусусий сектор ўртасидаги қонуний ва институционал муносабатлар тизимидир. Ушбу тизимнинг асослари тенг ҳуқуқлилиқ, оқилона ҳамкорлик, рискларни ва даромадларни адолатли тақсимлаш, давлат ва хусусий секторнинг саъй-ҳаракатлари бирлашувига асосланган бўлади. “Мамлакатимизда мактабгача таълим тизими, мактаб таълими ва олий таълим тизимида ҳам бундай амалиётнинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимини ривожланишининг янги босқичга олиб чиқиши мумкин” [11].

Тадқиқотчи А.А.Маматовнинг фикрича, “Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни институционал такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу илм-фан, бизнес ва давлатнинг муваффақиятли ҳамкорлиги шаклларида бири бўлган инновацион кластерларни яратишдир. Бундай восита олий таълим соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун таълим, илм-фан, давлат ва бизнеснинг ташкилий уюшмасини тузишни ўз ичига олади” [6].

Олий таълим тизимида талабаларани турар жой билан таъминлаш ва уларнинг таълим олиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар давомида тадқиқот методлари сифатида

бир қанча усуллар қўлланилган. Жумладан, мақолани тайёрлаш давомида статистик гуруҳлаш, қиёсий ва таққослама таҳлил, синтез каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Натижалар. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, Туркияда 207 та университет мавжуд, талабаларнинг умумий сони эса 8 млн. 400 нафарни ташкил этади. Олий таълим тизими учун ажратилган давлат бюджети маблағларининг миқдори 36 млрд лира (қарийб 5 млрд. Доллар)ни ташкил қилади. UNESCO маълумотларига кўра, Туркия хорижий талабаларни жалб қилиш масаласида дунёнинг кучли ўнталигидан жой олди. Мамлакатда 200 мингдан ортиқ хорижлик талаба билим олади, 2023 йил якунига қадар уларнинг сони 350 минг нафардан ортиши кўзда тутилди. Агар бу мақсадга эришилса, мамлакат хорижий талабалар ортидан 15 млрд. Доллар даромад қилиши мумкин. Туркияда давлат, хусусий ва бошқа турдаги талабалар турар жойлари (ТТЖ) мавжуд.

Давлат тасарруфидаги талабалар турар жойларида, одатда, оиласидан бошқа шаҳарда яшовчи талабалар яшайди. Талабалар турар жойлари Ёшлар ва спорт вазирлиги тасарруфидаги кредит ва ётоқхоналар бош бошқармаси (***Kredi ve Yurtlar Kurumu***) томонидан бошқарилади. Ушбу бошқарманинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабалар учун ётоқхоналар қуриш ва уларни ишга тушириш;
- ТТЖларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласида ёрдам кўрсатиш;
- таълим, ижтимоий, маданий ва спорт тадбирлари билан талабаларнинг миллий ва

маънавий жиҳатдан ривожлантириш;

- олий ўқув юртлари талабаларига кредитлар ёки стипендиялар бериш;
- талабаларга олий таълим олиш жараёнида қўмаклашиш.

Давлат тасарруфидаги талабалар турар жойлари мамлакатда ўқиётган 700 мингдан ортиқ талабани арзон турар жой билан таъминлайди. Давлат тасарруфидаги талабалар турар жойларининг тўлови хусусий ётоқхона тўловларининг 1/5 қисмини ташкил қилади. Хусусий ётоқхонада туриш нисбатан жуда қиммат ҳисобланади. Шу сабабли талабаларга ҳеч бўлмаганда таълимнинг бошланғич йиллари давлат тасарруфидаги ётоқхоналардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Талаба ТТЖга жойлашиш учун тегишли веб-сайтга кириб, онлайн ариза тўлдиради ёки ўзи турмоқчи бўлган ётоқхона маъмуриятига мурожаат қилади. Ариза топшириш саналари расман эълон қилинади ва бу саналар, одатда, август ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Ётоқхоналар учун тўловлар 2020-2021 ўқув йили учун ойига камида 200 лира (27 Доллар)ни ташкил қилди. Аммо янги қурилган ва бошқа ётоқхоналарга нисбатан яхши шароитга эга бўлган айрим давлат ётоқхоналарининг тўлови 200-340 лира (27-46 доллар)ни ташкил этди. Талаба рўйхатдан ўтиш пайтида бир ойлик гаров пулини тўлаши лозим. ТТЖдан чиқиб кетаётганда фойдаланишда бўлган хона ва ундаги жиҳозларга ҳеч қандай зарар етмаган бўлса, ушбу гаров пули талабага қайтариб берилади. Ётоқхона ва гаров тўловлари ҳар йил сентябрида 10-20 лирага оширилади. Агар талаба ётоқхона тўловини олдиндан тўласа, 20 фоизлик

чегирмага эга бўлади. Агар ойлик тўлов миқдори 200 лира (27 Доллар)ни ташкил қилиши ҳисобга олинса, бу ҳолда талаба бир йил ичида тахминан 400 лира (53 Доллар)ни тежаб қолиш имконига эга бўлади.

Туркияда қуйидаги тоифадаги талабаларга давлат ётоқхоналарига жойлашишда имтиёз берилади: шаҳид ва фахрийларнинг фарзандиларига; ногиронлиги 40,0 фоиз ва ундан юқорилиги аниқланган талабаларга; давлат ҳимоясида бўлган, меҳрибонлик уйларида тарбияланган талабаларга; лицензияга эга миллий ёки ҳаваскор спортчиларга.

Талаба хусусий ётоқхонада яшашга қарор қилса, у ўзи таълим олувчи олий ўқув юртидан узоқ бўлмаган ётоқхоналардан бирини танлаш имкониятига эга бўлади. Чунки хусусий ётоқхоналар, одатда, университетларга яқин ҳудудда жойлашган бўлади, яъни талабанинг транспорт учун қўшимча ҳақ тўлашига ҳожат қолмайди. Талаба ўзининг моддий имконига кўра, бир ёки икки кишилиқ хонада яшashi мумкин. Агар у хонадоши билан боғлиқ бирон муаммога дуч келгудек бўлса, ётоқхона менежерига мурожаат қилиши ва ундан хонани алмаштириб берилишини сўраши мумкин. Талабалардан электр энергияси, сув, табиий газ ва интернет учун тўлов талаб қилинмайди, чунки хусусий талабалар турар жойларида мазкур тўловлар хона нархига киритилган бўлади, шу боис, бошқа ҳеч қандай тўлов амалга оширилмайди.

Хусусий талабалар турар жойларида ҳам кунига икки маҳал овқатланиш имконияти мавжуд. Уларнинг аксариятида очик буфет нонуштаси ва тўрт хил турдаги кечки овқат берилади. Талаба исталган вақтда

хусусий ётоқхонадаги мавжуд ўқув хонасида 24 соат дарс қилиши, дўстлари билан суҳбатлашиши ва дам олиш хоналарида телевизор томоша қилиши, спорт залида шуғулланиши мумкин. Аммо хусусий ётоқхоналар тўлови давлат тасарруфидаги талабалар турар жойлариникига нисбатан анча қиммат. Талабалар сони кўп бўлган Истанбул, Анқара ва Измир каби шаҳарларда ётоқхонанинг йиллик нархи 10 минг лира (1 минг 350 Долларга яқин)ни ташкил этади. Талаба бир ўқув йили учун шартнома имзолаган бўлса, талаба бир ой учун ўртача 1000 лира (135 Долларга яқин) тўлов қилади.

Туркияда талабаларни турар жой билан таъминлаш масаласи махсус низом билан тартибга солинади. Ушбу низомда олий ўқув юртлари талабаларига турар жой хизматларини кўрсатиш мақсадида жисмоний ёки юридик шахслар томонидан хусусий турар жой муассасаларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва назорати билан боғлиқ тартиб ва тамойиллар ўз аксини топган. Хусусий талабалар турар жойларида хизматларини амалга оширишда Ёшлар ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган шарт-шароитлар тўлиқ таъминланишига таъсисчи жавобгар ҳисобланади.

Хусусий ТТЖ ташкил қилишга оид тегишли ҳужжатлар Вилоят дирекцияси томонидан кўриб чиқилади ва ваколатли орган рухсати билан 15 иш куни ичида лицензия берилади. ТТЖ бинолари, бино бўлимлари ва жиҳозлар бўйича стандартлар Ёшлар ва спорт вазирлиги томонидан белгиланади. ТТЖ имкониятларини аниқлаш тартиби, принциплари ва стандартлари Ёшлар ва спорт вазирлиги томонидан белгиланади. ТТЖ бинолари ёнилғи қуйиш

шоҳобчалари, ёнувчан ва портловчи материаллар ишлаб чиқариладиган ёки сақланадиган жойлардан камида юз метр узоқликда бўлиши шарт. Талабалар турар жойлари хизмат кўрсатиш сифатига қараб Ёшлар ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва тамойилларга мувофиқ таснифланади. Талабалар турар жойларининг фаолиятига рухсат беришда уларнинг минимал сиғимига эътибор қаратилади. Қоидага кўра:

- талабалар турар жойлари камида ўттиз талабага;
- талабалар пансионатлари камида йигирма талабага;
- квартира типигаги турар жой мажмуалари камида ўн нафар талабага хизмат кўрсатиши лозим.

АҚШдаги коллеж ва университетларнинг талабаларни турар жой билан таъминлаш бўйича кўрсаткичларини тақдим қилган usnews.com сайти 2019 – 2020 ўқув йиллар бўйича маълумотларини қуйидаги сўзлар билан бошлаган, Олий ўқув юрти ётоқхоналари таълим марафонлари ва дўстлашиш майдони сифатида хизмат қилади. Университет тақдим қилган турар жойларда яшаш талабаларга онасидан алоҳида, мустақил ҳаётга қадам қўйишда кўприк вазифасини бажаради. Олий ўқув юрти ётоқхоналари, кўпинча, пицца ва кино кечалари, таълим марафонлари ва дўстлашиш майдони сифатида хизмат қилади.

АҚШдаги коллеж ва университетларнинг талабаларни турар жой билан таъминлаш даражаси 90 % ва ундан кўп бўлган 100 та олий ўқув юрти бўлиб, улар орасида Стэнфорд университети – 93%, Колумбия университети – 92 %, Ричмонд

университети – 91% каби юқори рейтингли олий ўқув юртлари мавжуд. Эътиборлиси шундаки, бу олийгоҳлар фақатгина бакалаврият босқичи талабаларинигина эмас, балки магистрант, докторант ва ўқитувчиларни ҳам алоҳида турар жой билан таъминлаш имкониятини яратди. Мазкур университетлар умумий талабалар ётоқхонасини қурибгина қолмай, оилавий яшашга имкон берадиган алоҳида уйлар комплексига ҳам эга.

АҚШнинг Нью-Жерси шаҳрида жойлашган Принстон университетида 8419 нафар талаба таълим олади ва уларнинг деярли барчаси талабалар турар жойи билан таъминланган. Университетнинг талабаларни таълим маскани ёнида, кампусда турар жой билан таъминлаш борасида ўзига хос тартиб мавжуд, бакалаврият таълим йўналишидаги барча талабалар тўлиқ турар жой билан таъминланади, бу билан талабанинг ўз шахсий ҳаётини йўлга қўйишга ёрдам бериш кўзда тутилган. Биринчи ва иккинчи курсда ўқийдиган талабалар қуйидаги 6 коллеждан бирида яшашлари мумкин: Бутлер, Форбес, Матей, Рокфеллер, Витман ва Уилсон, булардан Бутлер, Матей ва Витман 4 йилга турар жой билан таъминлаш борасида шартнома таклиф қилади.

Бостон университети ҳам Принстон университети каби талабаларни турар жой билан таъминлашни биринчи ўринга қўювчи АҚШдаги йирик хусусий университетлардан бири ҳисобланади. Университетда 32 000 нафар талабадан қарийб 78,0 фоизи турар жой билан таъминланган.

Япония университетларида 3000000 нафардан ортиқ талаба мавжуд, улар кўчмас мулк бозори учун жозибали

мижоз ҳисобланади, Японияда бир кишилик “талабалар уйлари” жуда кенг тарқалган. Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқиётган талабалар учун ётоқхоналар тўрт кишилик хоналар билан қурилади.

“Тяньцзинь университетида таълим олаётган чет эллик талабалар учун ишлаб чиқилган махсус таълим дастурига кўра, бепул турар жой билан таъминланади. Тяньцзинь университети кампусида ётоқхоналар мавжуд бўлиб, барча шарт-шароитлар мавжуд, D кампусдан хоналар барча шароитларга эга бўлиб, алоҳида душ, ҳожатхона, кондиционер, телевизор мавжуд, хоналардаги тозалikka ҳам алоҳида эътибор берилади. Табиийки, бундай шароит талабаларнинг бошқа иккинчи даражали нарсаларга вақт сарфламай, ўқишга диққат қаратишини таъминлайди.

Шанхай университетида 2018 – 2020 ўқув йилларида жами 80000 нафар

талаба таҳсил олди. Университет чет эллик талабаларни бепул турар жой билан таъминлайди. Олий ўқув юрти тақдим қилган дастурга кўра, турар жой, тиббий суғурта полислари тақдим этилган бўлиб, талаба касал бўлиб қолганда, унинг даволаниши учун имконият яратилади. Талабалар турар жойида алоҳида хона, душ, ошхона, интернет мавжуд. Университет ётоқхонасида туришни хоҳламаган чет эллик талабаларга хусусий риелторлар ҳамкорликда ижарага уйлар топишда ёрдам берилади.

Жанубий Кореяда ҳам “one-room” (бир хонали) услубидаги уйлар талабалар орасида юқори талаб кўрсаткичига эга. Шунингдек, Кореяда университетнинг ўзида ётоқхона ололмаган маҳаллий ва хорижий талабаларга турар жой топиш учун университетда хусусий агентликлар ёрдами тақлиф қилинади.



1-расм. Дунёнинг нуфузли университетларида талабаларнинг турар жой билан таъминланиш кўрсаткичи¹

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Корея республикасининг Кюнг Хеё университетида Эхчанге дастури бўйича маҳаллий ва хорижлик талабаларнинг турар жойлари алоҳида-алоҳида ташкил қилинган. Аммо аҳамиятли жиҳати шундаки, турар жой ошхонасида мусулмон талабалар учун алоҳида таомнома мавжуд, талабаларнинг диний эътиқодини хурмат қилиш асосида хориждан ёшлар келишини рағбатлантирувчи чоратadbирлар амалга оширилади.

Кореядаги университетлар ётоқхонасида, асосан, ўқув машғулотлари олиб бориладиган бинолар ва талабалар турар жойлари битта худудда жойлашган кампус шаклида қурилган. Хориждан келувчи талаба сифатида ҳали ўқув йили бошланмасдан олдин махсус сўровнома тўлдирилади. Бу сўровномада ётоқхонада туриш-турмаслиги, диний эътиқоди, овқатланиши, соғлиғи, аллергиядан азият чекиши ва бошқа саволлар берилиб, кейин хона ажратилади. Хонада диний, миллий урф-одатлари ва менталитети ўхшаш талабалар билан туриши эътиборга олинади, кунлик овқатлар таомномага мувофиқ тайинланади. Ётоқхона биносининг ҳар бир қаватида иккитадан ошхона, ювиниш ва кир ювиш хоналари, ҳожатхоналар мавжуд. Бундан ташқари, ҳар бир қаватда компьютерлар билан таъминланган кутубхоналар мавжуд, талабалар куннинг исталган

вақтида кутубхонадан фойдаланишлари мумкин.

Қуйидаги ҳар икки расмдан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда 2017 – 2018 ўқув йилидан эътиборан, олий таълим муассасалари ва талабалар сонига ўсиш кузатилган. Бу ўсиш мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотлар, мамлакатда иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган чоратadbирлар натижаси бўлиб, давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишига айланган олий таълим тизимининг ижобий ўзгаришларидан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги қарорига кўра, сиртки ва кечки таълим йўналишлари қайта йўлга қўйилиб, уларга 2020-2021 ўқув йилида кундузги таълим йўналишига (103575 нафар талаба) қўшимча 36 375 нафар талаба қабул қилинди. Қуйидаги расмларда Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ва талабалар сонининг ўзгариши кўрсатилди.

Мамлакатда талабалар сони ортиши, яхши, албатта. Аммо бу ўсиш параллел равишда талабалар сифатли таълим олиши учун шароит яратиш, энг биринчи навбатда, уйдан олишда таҳсил олишни мақсад қилган талабалар учун турар жойлар ташкил қилиш вазифасини ўртага қўяди.



2-расм. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сонининг ўзгариши [14]



3-расм. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида талабалар сонининг ўзгариши [14]



Олий таълим харажатлари 2026 йилгача олий таълим қамровини 50%га ва таълим сифатини ошириш каби ушбу соҳадаги асосий устувор йўналишларини

ҳисобга олган ҳолда прогноз қилинди. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда 2020-2025 йилларда олий таълимнинг устувор йўналишлари келтирилди.

1-жадвал

2020-2025 йилларда олий таълимнинг устувор йўналишлари [4]

Кўрсаткичлар	2020/2021 ўқув йили	2021/2022 ўқув йили	2022/2023 ўқув йили	2023/2024 ўқув йили	2024/2025 ўқув йили
Олий ўқув юрти	106	110	125	133	140
Штат бирликлари (техник ходимлар билан бирга)	18409	230011	59 756	65 097	68 147
Талабалар сони	551431	622818	953 255	1 034 687	1 103 830

Ўзбекистонда бюджет харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши катта эканлиги олий таълим билан қамров олиш микёсини кичик микдорда сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат бюджети катта микдордаги маблағларни ажрата олиш имкониятига тўлиқ эга эмаслиги ва хусусий манбалардан фойдаланиш механизмларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги билан ифодалаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумоти мутахасислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 3151-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли

саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 6155-сонли Фармонида кўра, талабаларни турар жой билан таъминлашни босқичма-босқич яхшилаб боришни кўзда тутилди. Ҳар икки ҳужжатда ҳам олий таълим муассасалари талабаларни турар жой билан таъминлашда қатор имтиёз ва молиявий ёрдам кўзда тутилган бўлиб, республика учун янги хорижий тажриба – хусусий талабалар турар жойларини куриш масаласи кўриб чиқилди.

Давлат-хусусий шериклик муносабатлари Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги қарори “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик



лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги «Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой

билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 563-сон Қарорига асосан, 2022-2025 йилларда олий таълим муассаларининг талабалари учун ДХШ асосида 241 та 109679 ўринли талабалар турар жойлари қуриш режалаштирилди.

2-жадвал

Худудларда талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонлари рўйхати [3]

№	Талабалар турар жойи сони	Йиллар				
		2022	2023	2024	2025	
	Республика бўйича жами	241	37	59	72	73
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	14	2	3	5	4
2.	Андижон вилояти	18	4	7	3	4
3.	Бухоро вилояти	10	1	4	4	1
4.	Сирдарё вилояти	6	1	2	1	2
5.	Жиззах вилояти	9	-	3	2	4
6.	Қашқадарё вилояти	9	4	2	1	2
7.	Навоий вилояти	9	-	1	3	5
8.	Наманган вилояти	12	2	4	4	2
9.	Самарқанд вилояти	25	5	7	7	6
10.	Сурхондарё вилояти	12	1	3	4	4
11.	Фарғона вилояти	18	5	5	6	2
12.	Хоразм вилояти	9	1	3	2	3
13.	Тошкент вилояти	9	3	2	1	3
14.	Тошкент шаҳри	81	6	15	29	31

“Давлат олий таълим муассасасининг буюртмаси ва тадбиркорлик субъектининг ташаббуси асосида тадбиркорга тегишли ер майдони ёки бинода камида 50 ўринли талабалар турар жойларини ташкил этиш тизими жорий этилди. Талабалардан ҳар ой яшаш учун йиғиладиган тўлов давлат олий таълим муассасаси билан келишилади

ҳамда ушбу нархда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун тадбиркорлик субъектига битимда белгиланган муддат давомида бир ўқув йили учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида Давлат бюджетидан субсидия ажратилади.

Худудларда талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонлари рўйхати [3]

Кўрсаткичлар	Олий таълим муассасалари		
	сони	қуввати	ер майдони (га)
Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)	241	109679	72.4
Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари	190	84318	57.4
Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари	51	25361	15.0

Давлат олий таълим муассасаларига «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ўқув ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштиришга руҳсат берилди. Шу билан бирга “2022-2026 йиллар Инвестиция дастури доирасида 12 минг ўринли 40 та талабалар турар-жойини реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади. 2022 йилнинг ўзида олий таълим муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2,3 минг ўринли 5 та талабалар турар-жойи ишга туширилади. Амалга ошириладиган ишлар натижасида 2025/2026 ўқув йилига келиб, давлат олий таълим муассасалари 239 тага кўпайтирилади, талабалар турар-жойига 187 минг нафар талабани жойлаштириш имкони яратилади” [15].

Давлат ОТМ талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. 2023-2024-ўқув йилида 1-курс талабалари учун

давлат ОТМнинг талабалар турар жойига жойлашиш Давлат хизмати марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали бепул электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза бериш 20 августдан бошлаб ўқув йили якунига қадар давом этади. Талабалар билан тузиладиган турар жой ижара шартномалари давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) технологияси орқали онлайн ҳисобга кўйилади. Юқори курс талабаларини турар жойга жойлаштириш анъанавий тарзда амалга оширилади. Бунда талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза олий таълим муассасаси талабалар турар жойларига жойлаштириш комиссиясига топширилади.

“Олий таълим муассасалари талабалари учун арзон ва сифатли овқатланиш жараёнини ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасаларига қарашли ошхона ва буфетларни умумий овқатланиш хизмати соҳасида камида икки йиллик тажрибага эга бўлган

тадбиркорлик субъектларига энг мақбул таклифларни танлаш орқали ошхона фаолиятини юритиш учун бино ва иншоотлар ҳамда жиҳозларни ижарага беришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили тасдиқланадиган давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини қўллашга рухсат берилди.

“Тадбиркорлик субъектларига: талабалар учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш ҳамда уларни арзон нархларда сотиш; озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш; озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш мажбуриятлари юклатилди”[3].

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш ҳамда мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш кўзда тутилган.

Республикаимизда талабаларни турар жойлар билан таъминлаш бўйича олдимизда турган муҳим вазифалар жуда кўп. Бугунги кунда ана шу вазифаларни амалга ошириш учун давлат раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилмоқда, шу ишларни сифатли, тартибли, қонуний ва босқичма-босқич ташкил этиш зарур.

Хулоса. Давлат бюджети маблағларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши биринчидан, олий таълимда бозор иқтисодиёти элементларидан фойдаланишини тақозо қилса, иккинчидан давлат томонидан биринчи даражали ижтимоий масалаларни молиялаштиришга устуворлик касб этиб бормоқда. Мамлакатимизда давлат мактабгача таълим муассасаларига бўлган талаб кўпайиши, пенсия тизими харажатларини ортиши ва мажбурий тиббий суғурта тизимининг амалга киритилиши каби ривожланиш тенденцияларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Олий таълим хизмати билан аҳолини қамраб олиш даражасини оширишда давлат томонидан олий таълимни молиялаштириш бюджетга катта юк бўлиши ҳаммага маълум. Олий таълим тизими қамрови кичик улушларда бўлган пайтда фақат давлат бюджетидан молиялаштириш ўзининг ижобий натижасини бермаслиги мумкин. Бизнинг фикримизча, инновацион иқтисодиётда олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг кўп каналли тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш муҳим масаладир. Бевосита олий таълим тизимида ҳам бундай амалиётнинг кенг жорий этилиши

тармоқнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Айнан, шу жиҳатлар ДХШ амалиётини Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш аҳамиятини ифодалайди. Олий таълим муассасаларида талабалар учун ижтимоий инфратузилманинг етарли даражада шаклланмаганлиги ёшлар учун кўрсатилаётган ижтимоий хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда инвестиция дастури доирасида талабалар турар жойларини куриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнингча фикримизча, инновацион кластерлар Ўзбекистоннинг кейинги ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, олий таълим тизимида давлат, бизнес ва илм-фан ўртасидаги муносабатлар шериклик, тенг ҳуқуқли бўлиши, умумий мақсадларга эга бўлиши, уч томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан молиялаштирилиши ҳамда олинadиган хавф ва натижалар тенг тақсимланиши керак. Инновацион кластерларнинг муваффақиятли ривожланиши учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва инновацион фаолиятни, шунингдек тўғридан-тўғри давлат-хусусий шериклик билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кампус бу - халқаро тилда илмий шаҳарча бўлиб, бу шаҳарчада илмий-тадқиқот ўтказиш, назарияни ўрганиш, тажриба-амалиёт ўташ ҳамда яшаш учун

барча шароитлар яратилади. Таълим кампуси — ягона ҳудудда бирлаштирилган ўқув биноларини, илмий-тадқиқот институтларини (марказларини), ишлаб чиқариш мажмуалари ва технопаркларни, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг вақтинча яшаш жойларини, лабораторияларни, ахборот-ресурс марказларини (кутубхоналарни), спорт иншоотларини, умумий овқатланиш объектларини ўз ичига олган бинолар ҳамда иншоотлар мажмуидан иборат бўлган, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий тарбиянинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган таълим-тарбия муҳитидир. Ўзбекистонда олий таълим тизимида ҳам кампус тизимини жорий қилишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Талабанинг бир ҳудудда тўлиқ ўқиш билан банд бўлиши, транспортда юриш учун вақт сарфламаслиги таъминланади ва юқори олий таълим сифатига эришиш мумкин.

Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари хорижий университетларда йўлга қўйилган ўзига хос услубни – чет элликлар учун ташкил қилинган ётоқхонадаги ҳар бир хонада битта маҳаллий ва битта хорижлик талаба яшаши тизимини жорий қилиш яхши натижалар беради, чунки бу чет эллик талабаларнинг маҳаллий шароитга тезроқ мослашишига ёрдам беради. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат олий таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган хорижий тажрибалар кўп ва уларни босқичма-босқич жорий қилиб бориш олий таълим сифатини оширишда жуда муҳимдир, деб ўйлайман.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ- 637-сон-Қонуни. 2020 йил. 23 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 5847- сон фармони. 2019 йил. 8 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 563-сон қарори. 2021 йил. 9 сентябрь.
4. Фуқаролар учун бюджет. Тошкент. 2023 йил. БМТТД, 2023 (www.uz.undp.org)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>
6. Маматов А.А. Миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмаси ва уни такомиллаштириш йўналишлари. \ “Иқтисод-молия” журнали. - Тошкент. 2023. 2 (162).
7. Mingat A., Tan J. The Full Social Returns to Education: Estimates Based on Countries’ Economic Growth Performance//Human Capital Development Working Paper 73. World Bank, Washington, DC. 1996.
8. Ташходжаев М.М. Олий таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг роли. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. Тошкент. 2021 йил. № 2. март-апрель.
9. Тохиров Ж.Р. Давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари ва уларнинг таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятлари.\ “Иқтисодиёт ва илмий инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -Тошкент. 2021. -№3. июль-август.
10. Гуломов С., Очилов И., Сайдахмедов О. Интеллектуал иқтисодиётда самарадорлик омиллари//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали. – Тошкент, 2015. - №6. – Б.38-41.
11. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари. www.interfinance.uz.\ “Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. - Тошкент. 2019. -№3. июнь.
12. Эшмуродов, А.,Мамарасулов М. Ўзбекистонда олий таълим: 100 саволга 100 жавоб. Услубий қўлланма. – Тошкент: “Sano-Standart”. 2023. –Б.32.
13. Elizabeth Buckner , Ceara Khoramshahi. Does the private sector expand access to higher education? A cross-national analysis, 1999-2017. <https://doi.org/10.1016/j.ijedudev.2021.102410>
14. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
15. <https://rost24.uz/uz/news/641>